

УДК: 336.748.(575.1)



<https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-2-2>

### ВАЛЮТА КУРСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Бердиназаров Зафар Улашович

и.ф.н., Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Статистика ва тадқиқотлар департаменти бош иқтисодчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада валюта курсини шакллантириши ва прогнозлаштириши моделилари таҳмил қилинганд бўлиб, унда экспорт-импорт эластиклиги Маршал-Лернер шарти бўйича баҳоланган ҳамда уларнинг реал самарали валюта курсига нисбатан эластиклик кўрсаткичлари 2019–2021 йиллар учун прогноз қилинган.

**Таянч тушунчалар:** реал самарали валюта курси, экспорт ва импорт эластиклиги.

### МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ И ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ВАЛЮТНОГО КУРСА

Бердиназаров Зафар Улашович

д.э.н., главный экономист Департамента статистики и исследований

Центрального банка Республики Узбекистан

**Аннотация.** В статье проанализированы модели формирования валютного курса и его прогнозные показатели, оценена эластичность экспортта и импорта в условиях модели Маршалла-Лернера, а также рассчитаны их прогнозные показатели на 2019–2021 годы по отношению к реальному эффективному валютному курсу.

**Ключевые слова:** реальный эффективный валютный курс, эластичность экспортта и импорта.

### METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF EXCHANGE RATES FORMATION AND ESTIMATION

Berdinazarov Zafar Ulashovich

Doctor of Economic Sciences, Chief Economist, at the Department of Statistics and research of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan

**Annotation.** The article reviews the models of exchange rates formation and their estimation indicators. It evaluates the flexibility of export and import operations in Marshal Lerner conditions and estimates the approximate indicators for 2019–2021 in relation to the current effective exchange rates.

**Key words:** current effective exchange rate, flexibility of export and import operations.

#### Кириши

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва ташқи савдо алоқаларининг самарадорлиги, бошқа омиллар билан бир қаторда, валюта курсини шакллантириш методологиясига ҳам боғлиқ. Валюта курсини шакллантириш методологияси, ўз навбатида, мамлакатнинг мувозанатли макроиқтисодий ривожланиш восита ва механизмларининг ривожланганлик ҳамда такомиллашганлик дарражасига боғлиқ бўлиб, бу даража ялпи талаб

ва ялпи таклиф омилларини тартибга солиш воситаларининг самарадорлиги билан ифодаланади.

Ялпи талаб омилларини тартибга солиш воситалари сифатида самарали пул-кредит, солиқ-бюджет ва ташқи иқтисодий алоқалардаги восита ҳамда инструментлар назарда тутилса, ялпи таклифни тартибга соловчи воситалар сифатида мақбул инвестиция, соғлом рақобат муҳити, эркин нарх-наво ва иш-

лаб чиқариш харажатларини мақбуллаштириш сиёсатини ифодаловчи восита ҳамда инструментлар назарда тутилади. Мазкур ялпи талаб ва ялпи таклифни тартибга солувчи восита ва инструментларнинг бозор механизмлари сари такомиллашиши ва амал қилиши, пировард натижада, иқтисодиёт рақобатбардошлиги ошиши, экспорт салоҳияти ўсиши ва миллий валюта харид қобилияти мустаҳкамланишига замин яратади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2018 йилгача бўлган давр давомида валюта курсини шакллантиришнинг аниқ методологияси мавжуд эмас эди. Ушбу давргача валюта курси «узлуксиз девальвация» сиёсати таъсирида шакллантирилган. Бундай ёндашув, ўз навбатида, мамлакат макроиқтисодий ва монетар кўрсаткичлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда прогнозлаштиришда ноаниқдиклар келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири ҳисобланарди. Шунингдек, ушбу сиёсат таъсирида олиб борилган валюта муносабатлари жараёни бир қатор муаммолар, жумладан, валюта муомаласи соҳасининг ҳаддан зиёд маъмурий тартибга солиниши, алоҳида тармоқлар ва хўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ва преференцияларнинг асоссиз равишда қўлланилиши, бизнес юритишдаги teng бўлмаган шарт-шароитларнинг вужудга келиши, рақобатни амалга оширишда бозор тамойиллари бузилиши, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, товар ва хизматлар экспортини ошириш, умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қулиувчи омилга айланиб қолганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармонида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқкан ҳолда валюта курсини шакллантириш ва прогнозлаштириш методологиясини такомиллаштириш тадқиқот мақсади қилиб белгиланди. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш, яъни Ўзбекистон шароитида валюта курсини шакллантириш ва прогнозлаштиришда қандай методологик ёндашув, усул ва воситалардан фойдаланиш

ўзининг илмий ва амалий аҳамиятига эга эканлигини аниқлаш лозим.

Тадқиқот муаммосига ечим топища қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгилаб олинди:

- халқаро амалиётда мавжуд валюта курсини шакллантириш ва прогнозлаштиришнинг методологик асосларини таҳдил қилиш;
- валюта курси моделларидан мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

### **Адабиётлар таҳлили**

Валюта курсини шакллантириш моделларига бағишлиган кўплаб назарий тадқиқотлар [1, 2, 3, 4, 5] бир қатор умумий мувозанат моделларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Хусусан, умумий мувозанат моделларига асосланган анъанавий (классик) моделларга юмшоқ ва қаттиқ нарх сиёсати асосидаги монетар, портфелли, умумий мувозанат, микроструктурали ва бошқа моделларни киритиш мумкин.

Юқорида номлари қайд этилган моделларнинг туб замирида харид қобилияти паритети (ХҚП) концепцияси ётади. Ушбу концепция охирги ўн йилликларда кўплаб хорижий иқтисодчилар томонидан валюта курсининг узоқ муддатли мувозанатини таъминлашниш шарти сифатида янада фаол ўрганилмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун, асосан, қопланмаган фоиз паритети [2], Mandell-Fleming модели [4, 5], портфелли модель [6], микроструктурали модель [7, 8, 9], Маршалл-Лернер шарти [10] каби ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мазкур моделларнинг назарий ва амалий жиҳатларига қисқача тўхталағидан бўлсак, хусусан, қопланмаган фоиз паритети концепцияси [2] ўз мазмун-моҳиятига кўра, икки мамлакат ўртасидаги фоиз ставкаларидағи фарқ ушбу мамлакатлар валюта курслари бўйича кутилаётган ўзгаришлар фарқига teng бўлишини назарда тутиди. Бошқача айтганда, фоиз ставкаси ва валюта курси ўзгариши натижасида кутилаётган даромад ҳар икки мамлакатда бир хил бўлишини таъминлайдиган бўлса, ушбу ҳолат қопланмаган фоиз паритетини ифодайди. Агар ушбу паритет ҳосил қилинмаса, у ҳолда инвестор учун валюта арбитражи (ва-

люта чайқовчилиги) кўринишидаги қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўладики, ушбу ҳолатни қопланган фоиз паритети деб атаемиз. Қопланган ва қопланмаган фоиз паритетлари ўртасидаги айнан мана шу жиҳат уларни бир-биридан фарқлантирувчи асосий омил ҳисобланади. Қопланмаган фоиз паритети формуласини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$R_d - R_f = \frac{(E_{t+1} - E_t)}{E_t} \quad (1.1)$$

Бу ерда:  $R_d - R_f$  мамлакатлар ўртасидаги номинал фоиз ставкаларининг фарқи;  $R_d$  – маҳаллий номинал фоиз ставкаси;  $R_f$  – чет эл номинал фоиз ставкаси;

$$\frac{(E_{t+1} - E_t)}{E_t} \text{ валюта курси ўзгаришлидаги фарқ.}$$

$E_{t+1}$  – жорий валюта курси.

Мазкур паритет бўйича қўйидаги хуло-сага келиш мумкин, яъни барча шароитлар teng бўлган тақдирда, жорий ёки кутилаётган маҳаллий фоиз ставкаси оширилиши миллий активлар (миллий валюта)га бўлган талабнинг ўсиши ҳамда унинг таъсирида миллий валюта харид қобилияти мустаҳкамланишига олиб келади. Ва, аксинча, фоиз ставкасининг пасайтирилиши миллий активларга бўлган талаб қисқариши ва валюта харид қобилияти пасайшиши таъсир кўрсатади.

$$S_t = \sum_{i=0}^{\infty} \left( \frac{\beta + \theta}{\alpha + \beta + \theta} \right)^i E_t x_{t+i} \quad (1.2)$$

$$x_t = \frac{1}{\alpha + \beta + \theta} [(\alpha - 1)p_t + m_t - \gamma g_t - \delta y_t^* - \alpha p_t^* + (\beta + \theta)R_t^*] \quad (1.3)$$

Бу ерда:  $x_t$  – боғлиқ ўзгарувчилир, яъни ички инфляция ( $p$ ), пул массаси ( $m$ ), давлат харажатлари ( $g$ ) ҳамда ташқи инфляция ( $p^*$ ), ЯИМ ҳажми ( $y^*$ ) ва фоиз ставкасининг ( $R^*$ ) ўзгаришига боғлиқ ҳолда кечади.  $\alpha, \beta, \theta, \gamma, \delta$  – модель параметрлари ҳисобланади.

Демак, ушбу формуласардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги хуло-сага келиш мумкин: пул массаси ортиши ички фоиз ставкаси пасайиши, миллий валютага бўлган талабнинг камайиши ҳамда миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади; давлат харажатлари ортиши эса пулга бўлган талаб ва номинал фоиз ставкаси ошишига

Ушбу қопланмаган фоиз паритети концепцияси валюта курси ўзгариши омилини активлар баҳосини тавсифловчи муҳим омиллардан бири сифатида қабул қилиб, унга бошقا ахборотлар оқимининг таъсирини ўта сезувчан қилиб қўймоқдаки, бу валюта курсининг тебранишларини келтириб чиқаришга сабаб бўлувчи омил ҳисобланади.

Юқоридаги моделлар ўртасида «Mandell-Fleming» модели ўзининг нисбатан кенг қамровли ва самарадорлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Моделнинг базавий вариантлари J. Fleming [4] ва R. Mandell нинг [5] тадқиқотларида баён қилинган. Унинг модификациялашган вариантларини Sohmen [11], MacDonald [12, 13], Obstfeld ва Rogoff ларнинг [14] тадқиқотларида кузатиш мумкин.

«Mandell-Fleming» моделида капиталнинг мукаммал мобиллиги, қаттиқ нарх сиёсати ва импорт таклиф эгри чизигининг абсолют эластичилиги кичик очиқ иқтисодиёт (small open economy) нуқтаи назаридан қараб чиқилган. Модель учта тенглама (IS, LM, UIP)га асосланиб, қўйидаги учта эндоген ўзгарувчилар таъсирини илгари суради: номинал валюта курси, ишлаб чиқариш (ЯИМ) ҳажми ва фоиз ставкасицир.

Ушбу ўзгарувчилар тизимида асосланиб, номинал валюта курсининг мувозанатли формуласини шакллантириш мумкин:

таъсир этиб, миллий валюта қадрланишига олиб келади; чет элда ишлаб чиқариш ҳажми (ЯИМ)нинг ортиши у ерда пулга бўлган талаб ҳажмининг кўпайиши, номинал фоиз ставкаси ошиши, валюта қадри мустаҳкамланиши (ревальвацияланиши)га олиб келади; ички бозорда эса қадри мустаҳкам бўлган валютага талабни орттириб, миллий валютанинг қадрсизланиши (девальвацияланиши)га таъсир этиши баҳоланган ва аксинча.

Бу модельнинг муҳим натижаларидан бири шундаки, у сузувчи валюта курси режими шароитида фискал сиёсатнинг таъсир

самарадорлигини сезиларли пасайтиради. Бундай режимда давлат харажатлари оширилиши миллий валютанинг қадрланиши (фоиз ставкасининг кўтарилиши ҳисобига), импортнинг ортиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгармас шароитдаги давлат харажатларининг ортирилган қисми бўйича соғ экспортнинг бой берилишига олиб келиши мумкин.

Канадалик иқтисодчи олим R. McKinnon [6] ва америкалик иқтисодчи олим W. Oatesлар портфелли моделнинг асосчилари ҳисбланади. Портфелли моделнинг валюта курси ўзгаришларига бўлган таъсирини бошқа бир қатор иқтисодчи олимлар ҳам ўрганишган. Хусусан, Branson [15, 16], Allen ва Kenen [17], Genberg ва Kierzkowski [18], Isard [19], Dornbusch ва Fischer [20] лар шулар жумласидандир.

Монетар моделдан фарқли ўлароқ, ушбу модель миллий ва чет эл активларининг номукаммал рақобат шароитида алмашинувини назарда тутади. Мазкур ҳолат бир қатор омиллар, шу жумладан, риск даражаси фаркланиши таъсирида чет эл активларининг мукаммал рақобат шароитида алмашинувини ҳосил қилиб бўлмаслиги билан ифодаланади. Рискка мойиллиги юқори бўлмаган инвесторлар ўз активларини даромад ва риск нисбатидан келиб чиқсан холда диверсификация (табақалашув) қилишни маъқул кўради. Бу эса, ўз навбатида, риск омилини инобатга олган холда қопланмаган фоиз паритетининг амалга ошишини ифодалайди:

$$i_t - i_t^* - \Delta s_{t+k}^e = \theta_t \quad (1.16)$$

Бу ерда:  $\theta_t$  – риск учун мукофотни билдиради. Агар инвесторлар валютанинг рискка тортилган даражасини юқори даражада ҳис этса, улар ўз портфеллари таркибини риски паст бўлган бошқа валюта ёки қимматбаҳо қоғоз билан диверсификация қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Портфелли модель назариясига кўра, кичик очиқ иқтисодиётнинг портфелли баланси қўйидаги тенглама кўринишига эга бўлади:

$$W=M+B+S^*F \quad (1.17)$$

Бу ерда:  $W$  (Wealth) – умумий бойлик сифатида пул массаси ( $M$ ), ички давлат қарзлари ёки облигациялар ( $B$ ) ҳамда жорий ҳисоб операциялари бўйича ижобий қолдиқдан ( $S^*F$ , бу ерда  $F$ -миллий иқтисодиётга тегишли бўлган чет эл облигацияларини ифодалайди) ташкил топиши ифодаланган.

Ушбу уч турдаги (пул массаси, ички ва ташки облигациялар) активга бўлган талаб ички ва ташки фоиз ставкалари (экзоген омил сифатида қаралган) ҳамда мамлакат ички фарвонлиги даражасига боғлиқ деб қаралган.

$$M = m(i, i^* + \Delta s^e)W, \quad m_i < 0, m_{i^*+\Delta s^e} < 0, \quad (1.18)$$

$$B = b(i, i^* + \Delta s^e)W, \quad b_i > 0, b_{i^*+\Delta s^e} < 0, \quad (1.19)$$

$$SF = f(i, i^* + \Delta s^e)W, \quad f_i < 0, f_{i^*+\Delta s^e} > 0. \quad (1.20)$$

Бу ердаги ҳосилавий белгилар шундан дарак берадики, ички фоиз ставкаси ошиши миллий облигацияларга бўлган талаб ортиши ва, аксинча, чет элда фоиз ставкаси кўтарилиши чет эл облигацияларига бўлган талабни оширишга олиб келишини ифодалайди. Умуман олганда, ички ва ташки облигациялар тўлиқ равишда бир-бирининг ўрнини қоплай олмайди

$(b_i > f_i \text{ ёки } f_{i^*+\Delta s^e} > b_{i^*+\Delta s^e})$ , агар миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги (фарвонлиги) ошадиган бўлса, миллий облигацияларга бўлган талаб чет эл облигацияларига нисбатан бирмунча юқори бўлиши таъкидланади.

Реал сектор ҳолати савдо ва носавдо туридаги товар ҳамда хизматлар билан тавсифланади ва моделда талаб функцияси орқали ифодаланади. Нархлар ҳам эгилувчан тавсифга эга бўлиб, иқтисодиётда тўлиқ бандлик ҳолати кузатилади. Моделдаги резидентларнинг даромади ушбу савдо ва носавдо хусусидаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда чет эл активлари бўйича фоиз кўринишида олинадиган даромадлардан шаклланган.

Моделдаги жорий ҳисоб операциялари мавжуд савдо ва носавдо хусусидаги товар ва хизматлар умумий йигиндисидан худди шундай хусусдаги истеъмол ҳажмини чегириб ташлаш ҳамда чет эл активларидан келадиган фоиз кўринищдаги даромадларни ифодалай-

ди. Агар жорий операциялар қолдиги ижобий (профицит) ҳолатни ифодаласа, у ҳолда, мамлакат чет эл активларини жамгараётган бўлади. Жорий операциялар қолдигининг профицит ёки дефицит бўлиши мамлакатдаги ички жамғармаларга боғлиқ. Агар мавжуд бойлик кўзда тутилган даражадан ортиқ бўлса, иқтисодиёт субъектлари ўз жамғармаларини сарф қилишга ўтади, аксинча ҳолатда эса уни жамғаришни маъқул кўради.

Шунингдек, моделда валюта курсининг статистик кутиш эҳтимоли ҳам назарда тутилган:  $\Delta s^e = 0$ .

Модель шундай тузилганки, унда ҳар хил шок ҳолатлари таъсири уч давр оралиғида кўриб чиқилади (шок юз берган заҳотидаги ҳолат, қисқа муддатли ва узок муддатли даврлар). Шок юз берган заҳотидаги ҳолат активларни зудлик билан мувофиқлаштириш билан ифодаланади. Қисқа муддатли даврда активлар баҳоси нархлар умумий даражасига таъсир кўрсатиб, мавжуд ва кўзда тутилган бойлик ўртасидаги тафовут ҳамда жамғарма ва жорий операциялар ҳисоб қолдиги бўйича ҳолатларни аниқлаштириб бериш билан ифодаланади. Моделдаги бундай ўзгаришлар охир-оқибатда иқтисодиётнинг узок давр учун янгитдан мувозанатлашишига шароит яратиши билан изоҳланган.

Ушбу мувозанат бир вақтнинг ўзида учта бозорда, яъни товар, пул ва облигациялар бозорида ўрнатилишига сабаб бўлади. Пул ва облигациялар бозоридаги мувозанат ҳолати товарлар бозоридаги мувозанатга боғлиқ ҳолда кечади. Фоиз ставкаси ( $i^*$ ) ва жорий операциялар ( $S^*$ ) ҳисобидаги мувозанатли ҳолат пул ва облигациялар бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаб беришга хизмат қиласи. Жорий операциялар, яъни  $S^*$ нинг мувозанатли ҳолати эса, ўз навбатида, савдо ва носавдо хусусидаги товарлар мувозанатини таъминлашга замин яратади.

Валюта курсининг мувозанатли ҳолати моделдаги бир қанча параметрлар таъсирида аниқлаштирилади, хусусан, миллий ва чет эл облигацияларига бўлган талаб эластиклиги, бойлика бўлган талаб даражаси, маҳаллий ва чет эл фоиз ставкалари даражаси, ички обли-

гациялар таклифи, мамлакатнинг фаровонлик даражаси ва бошқалар. Миллий валютадаги облигациялар таклифининг ортиши жаҳон активлари бозорида уларнинг нархи тушиши ва миллий валюта қадрсизланишини келтириб чиқаришини ифодалайди. Ички иқтисодий фаровонликнинг ортиши эса ички активларга бўлган талабни ошириш ва шунинг таъсирида миллий валюта қадрининг мустаҳкамланишига замин яратишини биддиради. Ички фоиз ставкасининг ҳам кўтарилиши миллий валюта қадрини оширишга олиб келиши таъкидланади.

Микроструктурални модель валюта курсини шакллантиришнинг янги модели сифатида эътироф этилган бўлиб, иқтисодчилар Taylor [7], Flood [8] ва Lyons [9]лар томонидан ушбу йўналишда дастлабки тадқиқотлар олиб борилган. Валюта бозорининг микроструктураси дейилганда, унда иштирок этувчилик таркиби, тури ва хулқ-атвор стратегиясининг ўзига хос жиҳатлари назарда тутилади. Бир томондан, бундай ёндашув номинал валюта курсининг мувозанатли курс ҳолатидан четланиш сабабларини фундаментал макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили орқали назарий жиҳатдан тушуниш имкониятини берса, иккинчи томондан, ушбу таҳлил бозор иштирокчилари ўртасида ахборотлар алмашинуви (узатилиши) жараёнини тадқиқ қилиш, иқтисодиёт субъектлари хулқ-атворини ўрганиш, валютага бўлган талаб ва таклиф оқими, ахборотлар оқими, иштирокчиларнинг кутиши, валюта курсининг кескин тебраниши ва уни барқарорлаштириш билан боғлиқ чоратадирилар белгиланишини ифодалайди.

Микроструктурални моделда номинал валюта курсини шакллантириш иқтисодиёт субъектларининг турли даражадаги (ахборот билан таъминланган ва таъминланмаган субъектлар) тоифаларидан валюта савдосига оид келиб тушадиган буюртмалар бўйича амалга оширилиши кўзда тутилади

(De Grauwe ва Grimaldi) [21]. Валютага бўлган талаб бозор буюртмалари терминлари бўйича амалга оширилади. Трейдерлар энг мақбул нархлар бўйича савдо амалга оширилишини талаб қиласи. Барча буюртмалар маркет-мейклар томонидан жорий спот курс бўйича

амалга оширилади (Kyle, Evans, Lyons) [22, 23].

Шунингдек, иқтисодчилар ўртасида валюта курсини шакллантириш ва прогнозлаш бўйича эластиклик ёндашув моделидан ҳам кенг фойдаланилади. Хусусан, бу борада иқтисодчи олимлар Alfred Marshall<sup>1</sup> ва Abba Lerner<sup>2</sup>лар томонидан «Маршалл-Лернер шарти» дея эътироф этилган модель таклиф этилган. Ушбу моделда валюта курсининг экспорт ва импорт эластиклигига<sup>3</sup> таъсири таҳдил қилинган бўлиб, унда эластиклик кўрсаткичларининг абсолют йигиндиси бирдан катта бўлганда валюта курси бўйича амалга оширилган сиёсат ўзининг ижобий натижасига эга бўлиши мумкинлиги тўғрисида хulosа қилинган. Буни олимлар қўйидаги формула орқали ифодалашган:  $Rx+Rim>1$  (1.4).

Бу ерда:  $Rx$  – экспорт эластиклик кўрсаткичи;  $Rim$  – импорт эластиклик кўрсаткичи. Агар ушбу эластиклик кўрсаткичлари йигиндиси бирдан кичик бўлса, амалга оширилган валюта курси сиёсати салбий таъсирни намоён қиласди.

Мазкур мақола доирасида биз айнан реал самарали валюта курсининг экспорт ва импорт эластиклигига таъсирини дисперсия усулида баҳолаш ҳамда миллий валюта курсини 2019–2021 йиллар учун прогнозлаштиришга ҳаракат қиласми.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот олдига қўйилган мақсад, вазифа ва адабиётлар таҳдиллари асосида, ушбу тадқиқот доирасида миллий валюта курсини

шакллантириш ва прогнозлаштиришда Маршалл-Лернер шартидан, яъни валюта таклифи (экспорт) ва валютага бўлган талаб (импорт) эластиклиги шартидан келиб чиқсан ҳолда аниқлаш методологиясидан фойдаланамиз. Бунда экспорт ва импортнинг реал самарали валюта курсига нисбатан эластиклигига валюта курсини қайта баҳолаш орқали ёндашилган. Шунингдек, таҳдил жараёнида маълумотларни статистик гурухлаш, қиёслаш ва дисперсия усулларидан фойдаланилган. Таҳдил жараёни қуйидаги методологик ёндашувларга асосланган: 1) мамлакатнинг муайян даврига мўлжалланган (қисқа ёки узок муддатли) экспорт ва импорт товар таркибининг йиллик соғ ўсиш суръатлари прогноз қилинган (прогнозлар ҳар хил вариантда бўлиши мумкин, улар орасидан энг мақбул вариант танлаб олинади); 2) реал самарали валюта курсининг (РСАК) прогноз кўрсаткичи ҳам мос даврлар учун худди шундай аниқланади; 3) аниқланган экспорт ва импорт товар таркиби йиллик соғ ўсиш суръатларининг РСАКга нисбатан эластиклик кўрсаткичлари ҳисобкитоб қилинади; 4) аниқланган ушбу прогноз кўрсаткичлари дисперсияга солиниб, уларнинг юқори ва қуий чегаралари, вариация фарқи, ялпи ва танлов дисперсиялари, ўртача чизиқли ва ўртача квадрат оғиш даражалари аниқланади. Дисперсиянинг ўртача чизиқли ва ўртача квадрат оғиш даражалари бўйича ҳосил қилинган коэффициентлар оралиги валюта курсини прогнозлаштиришнинг энг

1 Alfred Marshall (1842-1924) – инглиз иқтисодчиси. Неоклассик йўналиши асосчиси. Иқтисодиёт фанига қўшган асосий ҳиссаси: классик ва маржинализм назарияларини илк бор бирлаштирган; товарлар бозор баҳоси шакланиши, талаб эластиклиги каби назариялар асосчиси. Асосий асарлари: «Principles of Economics (1890-91); «The Economics of Industry (1879)»; «Industry and Trade (1919)»; «Money, Credit and Commerce (1922)» ва бошқалар.

2 Abba Lerner (1903-1982) – инглиз/америкалик иқтисодчи. Иқтисодиёт фанига қўшган асосий ҳиссаси: Лернер коэффициенти (салоҳиятли монопол фирмани аниқлаштирувчи коэффициент); Маршалл-Лернер шарти (экспорт ва импорт эластиклигининг шарти); самарали талаб принциплари ва хартиализм (пул назариясига оид, яъни қофоз пулларнинг қиммати унинг муомаладаги миқдори билан белгиланиши ҳақида назарий таълимот) назариясига асосланган ҳолда молиянинг функционал назарияси таълимотига асос колган; халқаро савдода «Лернер-Самуэльсон теоремаси» деб эътироф этилган теорема асосчиси (ишлаб чиқариш факторлари баҳоси/нархини мутаносиблаштириш). Асосий асарлари: «The Concept of Monopoly and the Measurement of Monopoly Power» (1934); «The Symmetry Between Import and Export Taxes» (1936); «Functional finance and the Federal debt» (1943); «Money as a creature of the state» (1947); «Factor Prices and International Trade» (1952) ва бошқалар.

3 Экспорт эластиклиги дейилгандан, экспорт ҳажмининг бир фоизга ўсиши чет эл харидорлари талабини қанча миқдорга оширганигини ифодалайди. Импорт эластиклиги дейилгандан эса импорт ҳажмининг бир фоизга ўсиши маҳаллий харидорлар талабини қанча миқдорга оширганигини ифодалайди.


юқори ва энг қуий чегаралари ҳисобланади. Шунингдек, валюта курсини шакллантириш ва прогнозлаштиришда энг юқори ва энг қуий чегаралар йигиндисидан ташкил топган ўртача арифметик кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мазкур услубиётни, шунингдек, узоқ ва қисқа муддатли даврлар хусусиятидан келиб чиқиб амалга ошириш мумкин. Яъни муайян бир узоқ муддатли давр, айтайлик, 5 йил, 10 йил ёки 20 йилни ўз ичига олган даврдаги ўртача кўрсаткичлар ёки қисқа муддатли, яъни йилма-йил тренд шаклидаги ўзгаришлар тен-

денциясидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш мумкин.

### Таҳлил ва олинган натижалар


Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб амалга ошириладиган методологик ёндашув таҳдилларига ўтишдан один амалдаги экспорт ва импорт ҳажмининг реал самарали валюта курсига нисбатан эластичлик таҳдиллари бўйича олиб борилган маълумотларга эътибор қаратамиз. Дастреб ташкил сектор фаолиятига оид статистик маълумотлар билан танишсак (1-2-расмлар).



**1-расм. Экспорт-импорт ҳажми, млрд АҚШ доллар.**

**Манба:** ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг 2016 йилгача бўлган даврдаги ташкил савдо алоқаларининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда экспорт ва импорт операцияларининг мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур расмлардан кўриниб турибдики, экспорт ва импорт ҳажми 2000–2011 йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, энг юқори ижобий баланс қолдиги 2010 ва 2011 йилларда кузатилган (мос равишда 3,8 ва 4,0 млрд АҚШ долларини ташкил этган). 2012 йилдан бошлаб эса ушбу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга. 2015 йилда савдо баланси қолдиги 0,5 млрд АҚШ долларини ташкил қилиб, бу 2011 йилга нисбатан таққослаганда 4,5 бараварга камайган. 2018 йилнинг тўққиз ойи давоми-




**2-расм. Экспорт-импорт ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан % да)**


да ушбу кўрсаткич 4,2 млрд АҚШ доллари миқдорида тақчиллики келтириб чиқарди. Ушбу тақчиллик, асосан, 2017 йил сентябрь оидан бошланган валюта бозорини либераллаштириш ва ташкил иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш жараёнлари билан изоҳланади.

Куйидаги 3-8-расм маълумотларида миллый валютанинг девальвация даражаси, асосий савдо ҳамкор мамлакатлар бўйича реал эфектив алмашув курси динамикаси, экспорт-импорт ҳажмининг реал самарали алмашув курсига нисбатан эластичлиги, экспорт-импорт ҳажмининг инфляция+девальвациянинг биргаликда олинган кўрсаткичларига нисбатан эластичлик кўрсаткичлари ҳамда экспорт ва импорт товар таркибининг реал самарали алмашув курсига нисбатан эластичлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

### Миллий валюта девальвацияси, экспорт-импорт ҳажмлари ва уларнинг эластиклик кўрсаткичлари тўгрисида маълумотлар




3-расм. Валюта курси девальвацияси




4-расм. Асосий савдо ҳамкор мамлакатлар бўйича реал эфект. курс (REER) динамикаси



5-расм. Экспорт-импортниң реал самарали курсига нисбатан эластиклиги (коэф.)




6-расм. Экспорт-импортниң инфляция + девальвация даражаларида нисбатан эластиклиги (коэф.)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

**Изоҳ:** 5-расмдаги эластиклик кўрсаткичи экспорт-импорт ҳажмининг ўсиш суръатларини реал эфект.валюта курсига бўлиш, 6-расмдаги эластиклик кўрсаткичи экспорт-импорт ҳажмларининг ўсиш суръатларини йиллик инфляция ва девальвация кўрсаткичлари йигиндисига бўлиш орқали ҳисобланган. 7- ва 8-расмлардаги эластиклик кўрсаткичи эса экспорт-импорт товар таркибининг ўсиш суръатларини реал самарали валюта курсининг ўсиш суръатларига бўлиш орқали ҳисобланган.



8-расм. Импорт товар таркибининг реал эфект. валюта курсига нисбатан эластиклиги, коэф.

Юқоридаги 3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, дастлабки 1997–2003 йилларда девальвация даражаси юқори кўрсаткичларда амалга оширилган бўлса-да, ундан кейинги йилларда ушбу кўрсаткич ўртacha 11-12% атрофида амалга оширилган. Охирги икки йил давомида (2015–2016 йй.) унинг даражаси 15%ни ташкил этган. Охирги уч йил давомида миллий валютанинг реал самарали курси Россия рубли, Қозогистон тенгеси ва Украина гривнасига нисбатан анча мустаҳкамланди. Бунинг асосий сабаби Россия ва Қозогистон давлатларида валюта курси режимиининг ўзгартирилиши бўлса (эркин сузуви валюта курси режимига ўтиш орқали ўз миллий валюталарининг кескин девальвацияланиши), Украинада эса жуда юқори инфляция суръатларининг сақланишидир. Миллий валюта реал самарали курсининг ушбу давлатлар валюталарига нисбатан мустаҳкамланиши улар билан бўладиган ташки савдо алоқаларида маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини пасайтиради. Шу боис, ушбу давлатлар билан бўладиган ташки савдо алоқаларида валюта курсини девальвациялашда экспорт товар таркибининг эластик кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ташки савдо алоқаларида экспорт-импорт ҳажмининг реал самарали валюта курси ҳамда инфляция ва девальвациянинг биргаликда олинган даражасига нисбатан эластиклиги қисқа муддатли давларда ўзига хос тенденцияга эга. Экспорт-импорт алоқаларидағи мутаносиблик позицияси аксарият ҳолларда уларни реал самарали валюта курсига нисбатан эластиклигини шунга мос равишда тебранишга олиб келмоқда. Бошқача айтганда, экспорт эластиклиги ошиши импорт эластиклиги ҳам ошиши ва, аксинча, унинг пасайиши импорт эластиклиги пасайишига олиб келмоқда (5-расмга қаранг).

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000, 2002, 2012, 2014, 2017 ва 2018 йилларда экспортнинг ноэластиклик ҳолати кузатилган бўлса, 2000, 2002, 2009, 2010, 2015, 2017 ва 2018 йилларда импортнинг но-

эластик ҳолати юз берган. Сўнгги икки йилдаги кўрсаткичларнинг ноэластиклик ҳолатини валюта сиёсатини янада либераллаштириш ва ташки иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш билан тавсифлаш мумкин.

Умуман олганда, маҳаллий экспорт товарлари чет эл товарларига нисбатан кескин рақобатда бўлиб, уларнинг реал самарали курсига нисбатан эластиклиги жудаям пастдир (уларнинг тебраниш диапазони минус 0,5 коэф.дан 0,4 коэф.гача). Экспорт-импорт ҳажмининг инфляция ва девальвацияга нисбатан эластиклиги реал самарали курс эластиклиги трендига ҳамоҳанг бўлиб (6-расмга қаранг), улар коэффицентлари ўртасида кескин фарқланиш бор. Ушбу фарқланиш ички инфляция ва девальвация даражасини нисбий солиширишдан холи эканлигини ифодалайди. Мазкур ҳолатда экспорт-импорт эластиклигининг тебраниш диапозони 1,0 коэф.дан 4,0 коэф.гачани ташкил этади.

Экспорт-импорт товар таркибининг реал самарали валюта курсига нисбатан эластиклик кўрсаткичлари ҳам кутилган натижаларни бермади

(7-расмга қаранг). Мазкур расм маълумотларидан кўриниб турибдики, девальвациянинг экспорт товар таркибига бўлган таъсири кескин тебранишларга эга. Айниқса, ушбу ҳолат сўнгги йилларда амалга оширилаётган девальвация сиёсатининг таъсир самарасини яққол ифодаламоқда. 2012–2016 йилларда амалга оширилган девальвациянинг юқори суръатларига қарамасдан (ўртacha 11,6%) экспорт товар таркибининг барча йўналишларида оддинги давларга нисбатан пасайиш кузатилган. Ҳатто айрим товарлар таркиби бўйича, хусусан, пахта-машина ва асбоб-ускуналар, энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари бўйича 2012–2018 йиллар давомида ноэластиклик ҳолатлари кузатилган. Бундай ҳолатларга вақти-вақти билан озиқ-овқат маҳсулотлари (2012, 2015 ва 2018 йй.), қора ва рангли металлар (2013 ва 2015 йй.), бошқа товарлар (2012, 2014 ва 2015 йй.) таркиби ҳам юз тутган. Айниқса, пахтатоласи экспорти 2011 йилдан бошлаб ноэластиклик аҳамият касб этиб келмоқда.

Юқоридаги таҳдиллардан келиб чиққан ҳолда қуиындағи хulosани шакллантириш мүмкін: узоқ йиллар давомида амалга оширилған узлуксиз девальвация амалиёти ўзининг кутилган натижаларини бермади. Валютага бўлган талаб ва таклиф эластик хусусиятлари таҳдил қилинмасдан, заруриятсиз равишда валюта курсининг девальвацияланиши амалга ошириб келинди. Айни вақтда, валюта биржасида шаклланаётган валюта курси амалиётида ҳам валютага бўлган талаб ва таклиф эластиклигининг реал самарали валюта курсига нисбатан чуқур эконометрик таҳдиллари амалга оширилмаяпти. Фикримизча, ушбу таҳдил жараёнларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги методология ёндашувларга мувофиқ, валюта курсининг 2019–2021 йиллар

учун икки хил «беқарор» ва «барқарор» сценарий варианtlарда прогноз кўрсаткичлари амалга оширилди. Хусусан, «беқарор» сценарий вариантда валюта курсининг прогнози охирги уч йилдаги (2016–2018 йй.) экспортнинг ноэластилик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилған (буни инерцион вариант деб ҳам аташ мумкин). «Барқарор» сценарий вариантда эса 2017 йил ва ундан кейинги йилларда ички ва ташқи ижобий шоклар (инновациялар) таъсирида экспорт эластиклиги ҳолати тикланган шароит фараз қилинган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, реал самарали валюта курсининг прогноз кўрсаткичи ҳам йиллик икки фоиз даражасида қадрсизланиши фараз қилинган.

#### 1-жадвал

**«Беқарор» сценарий вариант бўйича миллий валюта курсининг прогнози**

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
<b>Дисперсиянинг ўртача квадрат оғиши даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (юқори чегара)</b>	<b>168</b>	<b>451</b>	<b>2 122</b>	<b>7 251</b>	<b>9 830</b>	<b>14188</b>	<b>17996</b>	<b>20657</b>	<b>23879</b>	<b>27174</b>
ўртача квадрат оғиши даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	26%	9%	46%	20%	36%	44%	27%	15%	16%	14%
<b>Дисперсиянинг ўртача чизиқди оғиши даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (куйи чегара)</b>	<b>163</b>	<b>375</b>	<b>1 308</b>	<b>3 651</b>	<b>4 752</b>	<b>6244</b>	<b>7663</b>	<b>8612</b>	<b>9582</b>	<b>10538</b>
ўртача чизиқли оғиши даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	21%	7%	39%	17%	30%	31%	23%	12%	11%	10%
Юқори эластиклик коэффициент.	0,6	0,3	1,2	0,0	0,8	1,2	0,4	0,3	0,3	0,3
Куийи эластиклик коэффициент.	-0,1	0,0	-0,3	-0,7	-0,4	-0,5	-0,4	-0,2	-0,3	-0,2
Фарқ вариацияси	0,7	0,3	1,5	0,6	1,2	1,7	0,8	0,5	0,6	0,5
<b>Ўртача квадрат оғиши даражаси, коэффициент.</b>	<b>0,3</b>	<b>0,1</b>	<b>0,5</b>	<b>0,2</b>	<b>0,4</b>	<b>0,4</b>	<b>0,3</b>	<b>0,1</b>	<b>0,2</b>	<b>0,1</b>
<b>Ўртача чизиқли оғиши, коэффициент.</b>	<b>0,2</b>	<b>0,1</b>	<b>0,4</b>	<b>0,2</b>	<b>0,3</b>	<b>0,3</b>	<b>0,2</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>
дисперсия (ялпи)	0,1	0,0	0,2	0,0	0,1	0,2	0,1	0,0	0,0	0,0
дисперсия (танлов бўйича)	0,1	0,0	0,3	0,0	0,1	0,2	0,1	0,0	0,0	0,0
танлов дисперсиясидан ўртача оғиши даражаси	0,3	0,1	0,5	0,2	0,4	0,5	0,3	0,2	0,2	0,1
<b>Жорий валюта курси, сўм</b>	<b>325</b>	<b>1 180</b>	<b>1 640</b>	<b>2 810</b>	<b>3 231</b>	<b>8120</b>	<b>8340</b>			
<b>девальвация даражаси, %</b>	<b>132,1</b>	<b>11,5</b>	<b>8,5</b>	<b>16</b>	<b>15</b>	<b>2,5 м.</b>	<b>2,7</b>			
Юқори чегара бўйича фарқ, сўм	157	729	-482	-4441	-6599	-6068	-9656			
Куийи чегара бўйича фарқ, сўм	162	805	332	-841	-1521	1876	677			

**Манба:** эконометрик таҳдил асосида муаллиф ҳисоб-китоби.


**Изоҳ:** дисперсия кўрсаткичлари асосида келтирилаётган ушбу валюта курси кўрсаткичлари ўтган таҳдил қилинаётган даврлар учун қайта ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу изоҳ кейинги жадвал маълумотлари учун ҳам хосдир.

Юқоридаги биринчи «бекарор» сценарий вариант бўйича экспорт товар таркибининг соғ ўсиш суръатлари прогноз кўрсаткичлари қўйидагича аниқланган. Хусусан, 2019 йил учун 2016–2018 йиллардаги экспортнинг ўртача ўсиш суръатлари кўрсаткичлари асос қилиб олинган бўлса, 2020 йил учун худди шу кўрсаткичларнинг 2017–2019 йиллар даврдаги, 2021 йил учун эса 2019–2020 йиллар даври олинган. Ушбу вариант натижалари қўйидаги 1-жадвал ҳамда 9- ва 10-расм маълумотларида акс эттирилган.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, валюта курсининг юқори чегараси (дисперсиянинг ўртача квадрат оғиш дараҷаси бўйича) 2016 йил охирида шаклланган 3231 сўмдан 2017 йил охирига келиб 14188

сўмгacha кўтарилиши, қўйи чегараси эса (дисперсиянинг ўртача чизиқли оғиш даражаси бўйича) 3231 сўмдан 6244 сўмгacha ошиши прогноз қилинган. Агар ушбу қўйи ва юқори чегаралардан келиб чиқсан ҳолда ўрта чегарани аниқлайдиган бўлсак, валюта курси 3231 сўмдан 10206 сўмгacha ошишини прогноз қилиш мумкин. 2017 йил 5 сентябрда амалга оширилган девальвация натижаси валюта курсини 8100 сўм даражасида қайд этди. Ушбу ҳолат бизнинг прогнозимиздан юқори чегара бўйича 6068 сўм, қўйи чегара бўйича эса 1876 сўмга фарқ қиласди.

Қўйидаги 9- ва 10-расм маълумотларида ушбу «бекарор» сценарий варианти бўйича экспорт ва импорт товар таркиби эластикликарининг прогноз тебранишлари келтирилган.



**9-расм. Экспорт товар таркиби (коэф.)**

**Манба:** эконометрик таҳдиллар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

Мазкур 1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, экспорт товар таркибидаги барча товарлар 2018 йилда ноэластиклик аҳамият касб этган. 2019 йилдан бошлаб эса пахта толасидан ташқари барча товарлар таркибидаги нисбатан эластиклик трендини кузатиш мумкин (ўртача 0,2 коэф.). Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, агар иқтисодиётда фаол модернизациялаш ва соғломлаштириш ҳамда рақобатбардош ишлаб чиқариш салоҳиятини тезкор суръатларда таъминлай олсак, экспорт товар таркибининг эластиклик кўрсаткичлари ушбу прогноз кўрсаткичларимизни яна-да ошириши мумкин. Импорт товар таркибидаги машина, асбоб-ускуналар ва озиқ-овқатларнинг эластиклик кўрсаткичлари 2018 йилда жуда фаоллашган. Кейинги йилларда эса



**10-расм. Импорт товар таркиби (коэф.)**

уларнинг бир текис барқарор равищда бўлиши баҳоланган.

Энди ушбу прогноз кўрсаткичларимизни иккинчи «барқарор» сценарий вариант бўйича таҳдил қиласмиз (2-жадвал ҳамда 11- ва 12-расмларга қаранг). Мазкур 2-жадвалдаги умумий ҳолат юқоридаги 1-жадвалда қайд этилган изоҳи шартларга асосланади. Бу ерда фақат экспортнинг барқарор ўсиш суръатлари сақданиши назарда тутилган. Мана шундай фаразли ёндашувдан келиб чиқсан ҳолда валюта курсини қўйидагича прогноз қилиш мумкин: юқори чегара доирасида 2016 йил охиридаги 3231 сўмдан 2019 йилда 22166 сўмгacha кўтарилиши; қўйи чегара бўйича 8921 сўмдан кам бўлмаслиги, ўрта чегара бўйича эса 15543,5 сўм атрофида бўлиши прогноз қилинган.

## «Барқарор» сценарий вариант бўйича миллий валюта курсининг прогнози


	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
<b>Дисперсиянинг ўртача квадрат оғиш даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (юқори чегара)</b>	<b>168</b>	<b>451</b>	<b>2 122</b>	<b>7 251</b>	<b>9 830</b>	<b>14188</b>	<b>17996</b>	<b>22166</b>	<b>27625</b>	<b>34284</b>
ўртача квадрат оғиш даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	26%	9%	46%	20%	36%	44%	27%	23%	25%	24%
<b>Дисперсиянинг ўртача чизиқди оғиш даражаси бўйича ҳисобланган валюта курси (қўйи чегара)</b>	<b>163</b>	<b>375</b>	<b>1 308</b>	<b>3 651</b>	<b>4 752</b>	<b>6244</b>	<b>7663</b>	<b>8921</b>	<b>10476</b>	<b>12265</b>
ўртача чизиқли оғиш даражаси бўйича девальвация даражаси, %да	21%	7%	39%	17%	30%	31%	23%	16%	17%	17%
Юқори эластиклик коэффициент.	0,6	0,3	1,2	0,0	0,8	1,2	0,4	0,6	0,7	0,6
Қўйи эластиклик коэффициент.	-0,1	0,0	-0,3	-0,7	-0,4	-0,5	-0,4	-0,3	-0,3	-0,3
Фарқ вариацияси	0,7	0,3	1,5	0,6	1,2	1,7	0,8	0,9	0,9	0,9
<b>Ўртача квадрат оғиш даражаси, коэффициент.</b>	<b>0,3</b>	<b>0,1</b>	<b>0,5</b>	<b>0,2</b>	<b>0,4</b>	<b>0,4</b>	<b>0,3</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>
<b>Ўртача чизиқли оғиш, коэффициент.</b>	<b>0,2</b>	<b>0,1</b>	<b>0,4</b>	<b>0,2</b>	<b>0,3</b>	<b>0,3</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>
дисперсия (ялпиги)	0,1	0,0	0,2	0,0	0,1	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1
дисперсия (танлов бўйича)	0,1	0,0	0,3	0,0	0,1	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1
танлов дисперсиясидан ўртача оғиш даражаси	0,3	0,1	0,5	0,2	0,4	0,5	0,3	0,2	0,3	0,3
<b>Жорий валюта курси, сўм</b>	<b>325</b>	<b>1 180</b>	<b>1 640</b>	<b>2 810</b>	<b>3 231</b>	<b>8120</b>	<b>8340</b>			
<b>девальвация даражаси, %</b>	<b>132,1</b>	<b>11,5</b>	<b>8,5</b>	<b>16</b>	<b>15</b>	<b>2,5 м.</b>	<b>2,7</b>			
Юқори чегара бўйича фарқ, сўм	157	729	-482	-4441	-6599	-6068	-9656			
Қўйи чегара бўйича фарқ, сўм	162	805	332	-841	-1521	1876	677			

**Манба:** эконометрик таҳдил асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Қўйидаги 11- ва 12-расм маълумотларида «барқарор» сценарий вариантдаги экспорт ва импорт товар таркиби эластиклик кўрсаткичлари прогнозининг тренди кўрсатилган. Ушбу вариантда валюта курсининг девальвацияси ҳисобидан машина ва асбоб-ускуналар экспорт эластиклик прогнозлари 2019–2021 йилларда сезиларли даражада, яъни 0,7 коэффициента ошиши баҳоланганд. Озиқ-овқатлар ҳамда қора ва рангли металлар гурӯҳи эластиклигидан ҳам ижобий тенденцияни кузатиш мумкин (мос равишда 0,3 коэф.). Импорт товар таркибида 2019–2021 йилларда қора ва рангли металлар, энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари, хизматлар ва бошқа товар гурӯҳлари бўйича импорт эластиклиги


трендининг барқарор сақланиши кутилаётган бўлса, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқатлар, машина ва асбоб-ускуналар товар гурӯҳлари бўйича эса импорт эластиклиги трендининг нисбатан пасайиши прогноз қилинмоқда.

Юқоридаги методологик ёндашувлардан келиб чиқсан ҳолда валюта курсини ўрта муддатли, яъни 2019–2021 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (3-жадвалга қаранг). Биринчи сценарий вариантига кўра, валюта курсининг 2019 йилдаги прогноз кўрсаткичининг юқори чегараси 20657 сўм, қўйи чегараси 8612 сўм ва ўрта чегараси эса 14634 сўм атрофида бўлиши прогноз қилинди.



**11-расм. Экспорт товар таркибининг эластиклиги**

Ушбу кўрсаткич 2020 йил учун мос равишида 23879 сўм, 16730 сўм ва 9582 сўм атрофида бўлиши прогноз қилинган. Иккинчи сценарий вариантида эса валюта курси 2019 йилда мос равишида 22166 сўм, 15543 сўм ва 8921 сўмни;



**12-расм. Импорт товар таркибининг эластиклиги**

2020 йилда мос равишида 27625 сўм, 19050 сўм ва 8921 сўм атрофида бўлиши прогноз қилинган.

### 3-жадвал

**Таклиф этилаётган методология бўйича валюта курсининг прогнози**

	1-сценарий вариант (бекарор ҳолатда)			2-сценарий вариант (барқарор ҳолатда)		
	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
<b>Юқори чегара</b> (дисперсиянинг ўртача квадрат оғиши даражаси бўйича ҳисобланган)	20657	23879	27174	22166	27625	34284
<b>Ўрта чегара</b> (юқори ва қуий чегаралар суммаси йигиндининг ўртасаси)	14634	16730	18856	15543	19050	23274
<b>Қуий чегара</b> (дисперсиянинг ўртача чизиқли оғиши даражаси бўйича ҳисобланган)	<b>8612</b>	<b>9582</b>	<b>10538</b>	<b>8921</b>	<b>10476</b>	<b>12265</b>

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

### Хулоса

Валюта курси мұхим фундаментал омиллардан бири сифатида мамлакат макроиқтисодий ҳамда монетар кўрсаткичларини шакллантириш ва прогнозлаштиришда мұхим аҳамият касб этади. Шу боис уни аниқлаш ва прогнозлаштиришда илмий асосланган методологик ёндашувларга таяниш лозим. Тадқиқот доирасида таҳдил қилинган даврларда валюта сиёсатида амалга оширилган девальвация жараёни экспорт ва импорт алоқаларига ўзининг ижобий таъсирини етарлича намоён қила олмаган. Хусусан, 2000, 2002, 2012, 2014, 2017 ва 2018 йилларда экспортнинг ноэластик ҳолати кузатилган бўлса, 2000, 2002, 2009, 2010, 2015, 2017 ва 2018 йилларда импортнинг ноэластик ҳолати юз берган. Умуман олганда, маҳаллий

экспорт товарлари чет эл товарларига нисбатан кескин рақобатда бўлиб, уларнинг реал самарали курсига нисбатан эластиклиги жуда ҳам пастdir (тебраниш диапазони минус 0,5 коэф.дан 0,4 коэф.гача). Айниқса, охириг беш йилликда (2012–2016 й.) экспорт эластиклиги энг паст кўрсаткич, яъни 0,5 коэффициентдан ҳам кескин пасайиб, ўртача 0,2 коэф., импорт эса 0,5 коэффициентни ташкил этган. Ушбу коэффициентлар йигинди 0,7 коэффициентни ташкил қилиб, Маршалл-Лернер шартига жавоб бермайди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу даврда олиб борилган девальвация сиёсатининг самарасиз эканлигидан далолат беради. Сўнгги икки йилдаги кўрсаткичларнинг ноэластик ҳолатини валюта сиёсатини янада либераллаштириш ва ташки иқтисодий

алоқаларни эркинлаштириш билан тавсифлаш мүмкін.

Таклиф этилган методология ёндашувлар бүйіча амалға оширилген таҳдиллар 2017 ва 2018 йилларда валюта курси, экспорт ва импорт товар таркибининг эластилик хусусиятларини реал ҳолатга яқынроқ даражада тавсифлаш имкониятini берди (9-11-расмларга қаранг). Агар валюта курсини шакллантириш ва прогнозлаштиришда валютага бўлган талаб

ва таклиф (экспорт ва импорт) эластилик шартлари асосида чуқур эконометрик таҳдил қилинса ҳамда ушбу эластилик шартларини мувозанатли ҳолатга келтириш юзасидан тегишли зарурий макроиқтисодий чора-тадбирлар қўлланилса, валюта курси ва экспорт-импортнинг 2019–2021 йиллардаги прогнозли тебраниш траекторияларини таклиф этилаётган кўрсаткичлар фонида кузатиш мумкин.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Isard P. Exchange Rate Determination: A Survey of Popular Views and Recent Models. //Princeton Studies in International Finance, No 42 (Princeton, NJ: Princeton University Department of Economics, International Finance Section). –1978.
2. Wickens M. Macroeconomic Theory: A Dynamic General Equilibrium Approach.//Second edition. Princeton University Press./ Princeton and Oxford. Princeton, New Jersey, USA. – 2008. – p. 589.
3. Dornbusch R. Exchange rates and prices. // American Economic Review, vol., 77(1), 1987. – pp. 93-106.
4. Fleming J. Domestic Financial Policies under Fixed and under Floating Exchange Rates. International Monetary Fund Staff Papers 9, 1962. – pp. 369-79.
5. Mundell R.A. Capital mobility and stabilization policy under fixed and flexible exchange rates. // Canadian Journal of Economics and Political Science, vol., 29, 1963. – pp. 475-485.
6. McKinnon R., Oates W.E. The Implication of International Economic Integration for Monetary, Fiscal and Exchange-Rate Policy. /Princeton Studies in International Finance, No 16. –1966.
7. Taylor M. The Economics of Exchange Rates. /Journal of Economic Literature, vol., 33:1, 1995. – pp. 13-47.
8. Flood M. Microstructure Theory and the Foreign Exchange Market. Federal Reserve Bank of St.Louis Quarterly Review, November/December, 1991. – pp. 52-70.;
9. Lyons R.K. The Microstructure Approach to Exchange Rates (Cambridge, MA:MIT Press). –2001.
10. Маршалл-Лернер шарти ([https://ru.wikipedia.org/wiki/Условие\\_Маршалла-Лернера](https://ru.wikipedia.org/wiki/Условие_Маршалла-Лернера)).
11. Sohmen E. The Theory of Forward Exchange. Princeton studies in international finance. No 17, Princeton, New Jersey, USA. 1967. – p. 47.
12. MacDonald R. Floating Exchange Rates: Theories and Evidence (London: UnwinHyman). – 1988 a.
13. MacDonald R. Purchasing Power Parity: Some Long Run Evidence from the Recent Float. The Economist, vol., 136, – 1988 b. – pp. 239-252.
14. Obstfeld M., Rogoff K. The Mirage of Fixed Exchange Rates. Journal of Economic Perspectives, vol. 9, no. 4, Fall 1995. pp. 73-96.
15. Branson W. The Minimum Covered Interest Differential Needed for International Arbitrage Activity. Journal of Political Economy, vol., 77, 1969. pp. 1028-1035.
16. Branson W. Asset Markets and Relative Prices in Exchange Rate Determination. Sozialwissenschaftliche Annalen, Band 1. – 1977.
17. Allen P.R., Kenen P.B. Asset Markets, Exchange Rates, and Economic Integration: A Synthesis (Cambridge: Cambridge University Press). –1980.
18. Genberg H. Purchasing Power Parity under Fixed and Flexible Exchange Rates. Vol., 8, 1978. – pp. 247-276.
19. Isard P. Factors Determining Exchange Rates: The Roles of Relative Price Levels, Balances of Payments, Interest Rates and Risk. BIS Working Paper No. 4. – 1980. – Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=868887>
20. Dornbusch R., Fischer S. Exchange Rates and the Current Account. American Economic Review, vol., 70, 1980. – pp. 960-971.
21. Grauwe P., Grimaldi M. The exchange rate in a behavioral finance framework, Princeton University Press. International Review of Economics & Finance. / Volume 16, Issue 2. –2007. – pp. 300-302.
22. Kyle A.S. Continuous Auctions and Insider Trading. Econometrica, vol. 53, No 6. – 1985. – pp. 1315-1336.
23. Evans M.D., Lyons R.K. Order Flow and Exchange Rate Dynamics. Journal of Political Economy, vol., 110, 2002. – pp. 170-180.

### **Тақризчи:**

Б.Беркинов, и.ф.д., проф., Тошкент давлат иқтисодиёт университети